# Qishloq hayoti

2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

O`zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan | 2017-YIL 7-fevral, seshanba, № 16 (8723)-son | web sayt: www.qishloqhayoti.uz


**Самарқанд** вилояти

↘ ВАТАН ҲИМОЯСИ – МУҚАДДАС БУРЧ

## ЙИГИТЛАР ХИЗМАТГА ЙЎЛ ОЛДИ

**Вилоят мудофаа ишлари бошқармаси йиғув пунктида Президентимизнинг 2016 йил 21 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги қарорига кўра муддатли ҳарбий хизматга чақирилган йигитларнинг дастлабки гуруҳини тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.**

Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари А.Маврулов ва бошқалар мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Муддатли ҳарбий хизматга ҳар жиҳатдан соғлом, бир қатор синовлардан муваффақиятли ўтган чақирилувчиларнинг жалб этилаётгани Қуролли Кучларимиз салоҳияти, нуфузини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Чақирув мавсумини юқори савияда, сифатли ўтказиш мақсадида жойлардаги чақирув пунктларида чақирилувчиларнинг саломатлиги, жисмоний ва интеллектуал салоҳиятини кўрикдан ўтказиш ва шу орқали энг муносиб йигитларни саралаш учун барча шароит яратилди. Чақирув комиссиялари давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат таркибда шакллантирилди.



Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Маросимда чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналари сўзга чиқиб, яратилган имкониятлар учун миннатдорлик билдирди.

– Бугун бир неча тенгдошларим қаторида мен ҳам муддатли ҳарбий хизматга жўнаб кетаётганимдан хурсандман, – дейди Достон Абдунабиев. – Миллий армиямиз сафларида ўз йигитлик бурчимни ўтаб, ота-онам ишончини оқлаш, Ватанимизга астойдил хизмат қилишни юксак шараф, деб биламан.

Тадбирда ҳарбий хизматга йўл олаётган йигитларга эсдалик совғалари топширилди.

**Ғ.ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**Хоразм** вилояти

**Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш ва уларда замонавий юқори технологияларни кенг жорий қилиш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар халқаро бозор талабларига жавоб берадиган рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, мавжуд хомашёни чуқур қайта ишлаш орқали тайёр маҳсулотлар тури ва улушини кўпайтириш, энг муҳими, янги иш ўринлари яратишда муҳим аҳамият касб этаётир.**

## ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНА – ТАДБИРКОРЛИКНИ КЕНГ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН УЛКАН ИМКОНИЯТ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 12 январдаги "Ургут", "Ғиждувон", "Қўқон" ва "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида"ги фармони ана шундай ҳужжатлардан бўлди. Озиқ-овқат, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, машинасозлик ва автомобилсозлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида самарали меҳнат қилаётган ҳазорасплик тадбиркорларни, айниқса, мамнун этди.

– Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зонаси учун 325 гектардан ортиқ ер майдони ажратилади. Кейинчалик ушбу ҳудуд 600 гектаргача кенгайтирилади, – дейди Ҳазорасп тумани ҳокимининг ўринбосари Мақсуд Раҳимов. – Давлатимиз раҳбари жорий йил 27 январь куни Хоразм вилоятига ташрифи давомида ушбу ҳудудда бўлиб, бу ерда амалга ошириладиган ишлар юзасидан зарур топшириқлар берди. Айни пайтда эркин иқтисодий зона чегараларини ўрнатиш, божхона пости ташкил қилиш, хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб этиш ишлари амалга оширилмоқда. Ташкил этиладиган замонавий ишлаб чиқариш корхоналари учун зарур имкониятлар яратиш мақсадида муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси, хусусан, газ, сув ва электр тармоқлари, канализация, автомобиль ва темир йўллари, алоқа тизими шакллантирилмоқда.

Янги эркин иқтисодий зонада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, қадоқлаш, тўқимачилик, пойабзал ва чарм-галантерея, кимё, фармацевтика, озиқ-овқат, электротехника саноати, машинасозлик ва автомобилсозлик, қурилиш материаллари каби қатор йўналишларда замонавий ишлаб чиқариш қувватлари ташкил этилади.

Ҳудудда ишлаб чиқариш қувватларини жойлаштириш бўйича бугунги кунда умумий қиймати 152 миллион доллардан ортиқ миқдордаги инвестиция маблағлари ҳисобидан 53 лойиҳа таклифлари ишлаб чиқилган. Тадбиркорлар томонидан умумий қиймати 25 миллион 700 минг долларга тенг бўлган 7 лойиҳа тақдим этилган. Ана шундай лойиҳалардан бири "Питнак Панел" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонаси раҳбари Хушнуд Жуманиёзов томонидан таклиф этилди.

– Давлатимиз раҳбари томонидан яратилган бундай қулай инвестиция шароитидан самарали фойдаланган ҳолда, Хитойнинг "Xinjiang zaman import and export trade CO" LTD компанияси билан ҳамкорликда умумий қиймати 3 миллион 500 минг долларлик лойиҳани амалга оширмоқчимиз, – дейди Х.Жуманиёзов. – Лойиҳага кўра корхона томонидан йилига 200 минг дона пенополистирол блоклар, сэндвич панеллар ишлаб чиқарилади. Касб-ҳунар коллежларини битирган 40 дан ортиқ ёш мутахассис иш билан таъминланади.

Мухтасар айтганда, "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зонаси ҳудудда ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш ўринлари ташкил этиш, пировардида аҳолини барқарор даромад билан таъминлаш, халқимиз турмуш фаровонлигининг муттасил юксалишига хизмат қилади.

**А.ШОКИРОВ,**
**ЎзА мухбири.**




## ЭНДИ ЗАМОНАВИЙ БИНОДА

**Фарғона** вилояти

Олтиариқ тумани тиббиёт бирлашмаси терапия бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди. 2016 йилги Инвестиция дастури доирасида барпо этилган мазкур икки қаватли иншоот 90 ўринга мўлжалланган.

Эътиборлиси, янги бинога кўчиб ўтган бўлим замонавий тиббиёт жиҳозлари билан ҳам таъминланди.

Қурилиш-монтаж ишларини "Фарғона мукаммал таъмир қурилиш" МЧЖ бинокорлари ўз муддатида сифатли қилиб амалга оширишди.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

## СПОРТ МАЙДОНЧАЛАРИ ХИЗМАТГА ШАЙ

**Сирдарё** вилояти

Ширин шаҳрида бирйўла иккита сунъий қопламали мини футбол майдончаси фойдаланишга топширилди.

22x42 ва 25x50 ҳажмли мини футбол майдончаларида барча қулайликлар яратилган.

Бу икки футбол майдончаси ҳудуд аҳолиси, айниқса, ёшларга беминнат хизмат қилмоқда. Келгусида шу ернинг ўзида тренажёр зали, очиқ ва ёпиқ сузиш ҳавзалари ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш шохобчаларини бунёд этиш кўзда тутилган.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

## ХОРИЖДА ҲАМ ХАРИДОРГИР

**Навоий** вилояти

Навоий шаҳридаги "Навоий пряжа" корхонасида сунъий толадан тайёрланаётган ип-калава нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам харидоргир ҳисобланади.

Бу ерда "Навоийазот" акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариладиган сунъий тола – нитронга ишлов берилади. Яъни қўлда тўқиладиган буюмлар учун ранг-баранг иплар тайёрланади.

Корхона томонидан ўтган йилда россиялик ҳамкорлар билан 33 минг АҚШ долларилик экспорт шартномаси имзолаган эди. Ҳозиргача ҳамкорларга маҳсулотнинг тенг ярми етказиб берилди.

Корхонага жорий йилда Хитойдан 350 минг АҚШ долларига замонавий йигирув дастгоҳлари келтиришни режалаштирган. Жорий йилнинг биринчи чорагида ишга туширилиши мўлжалланган ушбу янги цехда 10 та қўшимча иш ўрни яратилади.

**Отабек АСЛОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

↘ МУНОСАБАТ

*Жорий йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилингани давлатимиз томонидан фуқароларимизга қулай шароитлар яратиш, уларнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни мазмунан бойитмоқда.*

## НУРОНИЙЛАР ДУОСИ – МАМНУНИЯТ ИФОДАСИ

Ҳозирданоқ бу борадаги самарадорлик шаҳару қишлоқларимизда сезилмоқда. Бунга одамларнинг кайфияти яхшилиги, эртанги кунга ишончи тобора ортаётгани яққол мисолдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 2 февралдаги "Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори аҳолининг ижтимоий ҳимояга кўпроқ эҳтиёжманд бўлган қатлами вакиллари учун айни муддао бўлди. Бундан буён барча турдаги пенсия тўловлари тўлиқ ҳажмда, олий ўқув юрти талабаларига эса стипендияларнинг камида 50 фоизи ҳар ойнинг 27-санасигача нақд пул шаклида берилиши белгилаб қўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг эл дарди билан яшаётгани, одамларни рози қилиш учун барча имкониятларни ишга солаётгани барчамизни чексиз қувонтиради. Айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликни пенсия ва нафақаларни тўлаш тартибидаги қулайликларда ҳам кўриш мумкин.

Яширишнинг ҳожати йўқ, ҳозиргача нақд ва нақдсиз ҳисоб-китоблар борасида муаммолар бор эди. Шу боис, пенсияларнинг пластик карточкалар орқали берилаётгани кексаларни бироз қийнаб қўйганди.

Кексалик гаштини сураётган нуронийларнинг аксарияти кун-кунора олисдаги яқинларини йўқлагиси, гоҳида табаррук қадамжоларга боргиси келади. Бунинг учун транспорт воситаларидан фойдаланиш, йўлкира тўлаш керак бўлади. Яна бир ноқулайлик шуки, қишлоқ ҳудудларидаги савдо шохобчаларида терминаллар мавжуд бўлмаса, қандай қилиб харидимизни кўнгилдагидек амалга оширамиз? Албатта, булар арзимас бўлиб туюлиши мумкин. Давлатимиз раҳбарининг шу жиҳатларни ўйлагани, вазиятни тўғри баҳолай билгани биз, кексаларни хурсанд қилмоқда.

Қарор эълон қилингач, барча бир-бирини табриклади, бундан ниҳоятда мамнунлигини ифода этишди.

Бугун ким билан гаплашманг, улар бу каби қулайликлардан миннатдор. Кексаларнинг қўллари дуода. Уларнинг дуосини олганлар эса ҳеч кам бўлмайди.

**Қулмаҳамат АБДУЛЛАЕВ,**
*Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги Кавардон қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийси.*

**Қашқадарё** вилояти

↘ ТУРИЗМ

## КЎҲНА КЕШ САЙЁҲЛАРНИ МАФТУН ЭТАЖАК

**Мамлакатимиз ўзининг бой тарихий мероси билан бутун дунё халқлари эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда. Бугунги кунда ҳам аждодлар меросини келажак авлодга қолдириш борасида кўпгина амалий ишлар қилинмоқда. Бу бир тарафдан маънавий-маданий меросимизни сақлашга қаратилган бўлса, иккинчи томондан юртимиз туризм салоҳияти ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилмоқда.**

Қашқадарё вилоятида биргина ўтган йил давомида дунёнинг турли мамлакатларидан 13,5 минг нафар сайёҳ меҳмон бўлган. Бу аввалги йилга нисбатан 35 фоиз кўп демакдир. Бундан билиш мумкинки, чет эллик сайёҳларда диёримиз, ундаги тарихий ёдгорликлар, диққатга сазовор жойларни кўриш иштиёқи юқори. Бунинг бош сабабларидан бири тарихий ёдгорликларнинг бугунгача асл ҳолича сақланиб келинаётганлигидир.

Хорижий сайёҳларни воҳанинг қадим шаҳри – кўҳна Кеш ўзига кўпроқ жалб этмоқда. Бинобарин, бу шаҳар буюк соҳибқирон Амир Темур бобомизга бешик бўлган. Унда ўзбек халқининг ўтмиши, бой маданияти ва меъморчилик услубларини ўзида акс эттирган обидалар, осори атиқалар жамланган. Шунингдек, ҳозирги кунда ҳудудда замонавий туристик хизматлар кўрсатувчи субъектлар ҳам анча фаоллашган.

Хусусан, улар томонидан таклиф этилаётган уй-меҳмонхоналар ўзида миллийликни, азалий қадриятларни акс эттириши билан юртимизга ташриф буюрган сайёҳларни бефарқ қолдирмаяпти.



– Ушбу уй-меҳмонхоналарининг ўзига хослиги шундаки, улар жойлашган биноларнинг аксарияти бир неча юз йиллик тарихга эга, – дейди Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг минтақавий бўлими бошлиғи Отабек Олимжонов. – Бу уйларда ўша давр одамлари яшаган, уй авлоддан-авлодга ўтиб келган. Тадбиркорлар уйларнинг кўринишини сақлаб қолган ҳолда уларни реставрация қилиб, меҳмонхонага мослаштириб, турли миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари ва зарур жиҳозлар билан безашга алоҳида эътибор қаратган.

Ҳозирги кунда Шаҳрисабзда 20 та шундай уй-меҳмонхона хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатмоқда. Ҳеч шубҳасиз, аксарият сайёҳлар ўзи саёҳатга келган мамлакат ҳақида кўпроқ билишни, халқининг маънавий сарчашмалари, урф-одатлари, анъана ва маросимлари билан яқинроқ танишишни истайди. Уй-меҳмонхоналар эса бунинг учун айни муддао.

– Уй-меҳмонхонамизни 2015 йилда ташкил қилганмиз ва ўтган йили 500 нафардан ортиқ сайёҳга хизмат кўрсатдик, – дейди "Kesh vubintu" МЧЖ раҳбари Ойбек Қўчқоров. – Бу ерга келган сайёҳлар ота-боболаримизнинг турмуш тарзи, кундалик машғулоти ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлади, миллий ҳунармандчилигимиз дурдоналари билан яқиндан танишади.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК СТРАТЕГИЯСИ

# НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ ҲАМКОРЛИГИ КУЧАЙМОҒИ, САМАРАСИ ЯНАДА ЮКСАК БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ

## АГРАР ТАРМОҚДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ФЕРМЕРЛАР ВА ОЛИМЛАР ҲАМКОРЛИГИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШНИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА

**Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 30 декабрь куни мамлакатимизнинг етакчи олимлари билан учрашувида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада мустаҳкамлаш борасидаги долзарб масалалар, уларни ҳал қилиш йўллари ҳақида очиқ фикрлашиб олинди.**

**Бу мамлакатимизда илмий-инновацион потенциалнинг янги ривожланиш динамикасига асос солинаётгани билан тарихий аҳамиятга эга. Қолаверса, жаҳон иқтисодий инқирози давом этаётган, табиий ресурслар учун кураш кескинлашаётган ҳозирги мураккаб глобаллашув даврида Ўзбекистон илм-фан ва инновацияларни тараққиётга эришишнинг муҳим омили сифатида танлаб олганини кўрсатди.**

**Мамлакатимиз олимлари мазкур учрашувда билдирилган фикр-мулоҳазаларни чуқур ўрганиб, ўзларининг амалий таклифларини билдирмоқда. Ўзбек ўрмончилик мактабининг таниқли вакилларидан бири, Тошкент давлат аграр университети профессори Абдухалил ҚАЙИМОВ бу борада ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди.**

– Халқимиз қадим-қадимдан водийларда, катта сув манбалари – дарё ва анҳорлар атрофида яшаб келган, яъни ўтроқ, жамоа бўлиб ҳаёт кечириш турмуш ва тафаккур тарзимизга чуқур ўрнашган, – дейди А.Қайимов. – Бу, ўз навбатида, деҳқончилик маданияти ривожида, илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этишда муҳим асос бўлмоқда. Истиқлол йилларида мамлакатимизда фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси мустаҳкамланаётгани барча соҳа каби қишлоқ хўжалиги тараққиётида ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Эсимда, Шавкат Мирзиёев 2010 йили Тошкент давлат аграр университетида бир гуруҳ олимлар билан учрашувда боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш масаласини давлат сиёсати даражасида кун тартибига қўйди, интенсив боғлар яратиш борасида олимларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглади.

Кўп ўтмай мамлакатимиз бўйлаб қақраган, деярли унумсиз ерларни ўзлаштириш, пакана ва яримпакана дарахтлардан иборат инновацион технологияли интенсив боғлар барпо этишга киришилди. Чунки интенсив боғ иккинчи йилиёқ гектарига 2-5 тоннадан ҳосил беради. Ундан учинчи йили 10 тоннагача, тўртинчи йилдан 50 тоннадан зиёд мева етиштириш мумкин. Бу маҳаллий боққа нисбатан 2-3 баробар кўп ҳосил дегани. Буларнинг натижасида биргина 2016 йилда мамлакатимизда 3 миллион тонна (2015 йилга нисбатан 10,8 фоиз кўп) мева, 1,7 миллион тонна (9,9 фоиз кўп) узум етиштирилди.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бугун жаҳонда деярли ҳар саккиз кишидан бири тўйиб овқатланиш имкониятига эга эмас, инсониятнинг 30 фоизидан зиёди энг асосий микроэлемент ва витаминларга бой озиқ-овқат маҳсулотлари етишмовчилигини бошидан кечирмоқда. Мамлакатимизда бугун 180 турдан ортиқ сархил мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотлар дунёнинг 80 давлатига экспорт қилинмоқда. Бироқ серқуёш ва саховатли Ватанимиз заминида бундан ҳам катта, бой имкониятлар мавжуд. Дейлик, интенсив боғлар барпо этиш, асосан, Тошкент, Самарқанд, Наманган, Андижон, Жиззах, Қашқадарё вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу тажрибани мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам кенг оммалаштириш жаҳон мева-сабзавот бозорида янада мустаҳкам ўрин эгаллашимизни таъминлайди.

Шавкат Мирзиёев 2016 йили ўзининг сайловолди дастурида қишлоқ хўжалиги соҳасини янада ислоҳ қилишни устувор вазифалардан бири сифатида белгилади. Бунда 2017-2021 йилларга мўлжалланган Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш дастурини қабул қилиш, унинг доирасида экин майдонларини оптималлаштириш ва пахта экишни босқичма-босқич қисқартириш ташаббусини илгари сурди. Бу ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий интенсив агротехнологияларни жорий этиш, маҳсулотни сақлаш ва чуқур қайта ишлаш инфратузилмаларини такомиллаштиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбари шу йил 14 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисида бу борада қатор ва муҳим вазифаларни белгилаб берди. Бунда экин майдонлари ва экинлар таркибини оптималлаштириш, илғор агротехнологияларни жорий этиш ва ҳосилдорликни ошириш, мева-сабзавот ва узум етиштиришни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз академиклар билан учрашувда жиддий, ҳаётий ва асосли илмий таклифлар мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда катта аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Бундан мен ҳам хулоса қилиб, мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиёти ва экологик барқарорлигини таъминлашга тааллуқли айрим таклиф ва мулоҳазаларимни билдиришни лозим топдим.

Бугун давлатимиз хориждан кунгабоқар ёғини импорт қилади. Ҳолбуки, заминимизда зиғир, кунжут, сафлор (махсар) каби мойли ўсимликлар яхши ўсади, бироқ улар кўп ҳолларда лалми майдонларда экилмоқда. Айрим жойларда ғалладан бўшаган майдонларда тажриба-синов учун етиштирилмоқда. Мазкур мойли экинлар ҳосилдорлиги лалми жойларда гектарига ўртача 3-4 центнердан ошмайди. Улар суғориладиган ерларда тажриба учун экилганда, гектарига ўртача 20 центнер ҳосил олиш мумкинлиги аён бўлди. Энг асосийси, мазкур мойли экинлар унча кўп сув талаб қилмайди. Агар барча агротехнология ўз вақтида қўлланилса, ҳосил бундан ҳам ошади. Бу тажриба босқичма-босқич оммалаштирилса, ёғ-мой импорти кескин қисқаради. Бу борада мойли экинлар ҳосилини ўриб олишдан то қайта ишлашгача бўлган жараённи қамраб оладиган замонавий тизим ва саноат мажмуасини барпо этишга катта зарурат бор. Чунки бугун, дейлик, махсардан олинган ҳосилнинг маълум қисми қайта ишланмоқда, бироқ қолгани чорвага озуқа бўлаётир. Ахир, бу увол-ку!

Ёки мамлакатимизда зиғирдан асосан қўлбола жувозларда ёғ олинаётгани туфайли уни фильтрлаш ва қайта ишлаш имкони деярли йўқ, шу боис халқимиз зиғир ёғидан рўзғорда доимий фойдаланмайди. Бироқ хорижлик мутахассислар ҳам зиғир ва кунжут ҳосили юқори технологияларда қайта ишланса, олинган ёғ сифати зайтун ёғидан қолишмаслигини айтмоқда. Агар бу мойли ўсимликларни суғориладиган ерларда экиш ва уни қайта ишлаш саноати мамлакатимизда тўла қувват билан йўлга қўйилса, нафақат халқимизни ёғ маҳсулотлари билан таъминлаш, балки уни хорижга экспорт қилиш имкони ҳам пайдо бўлади.

Яна бир масала: мамлакатимизда чўлланиш ва тупроқнинг шўрланиш даражаси анча юқори. Бу қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олишга жиддий тўсқинлик қилмоқда. Хусусан, айни пайтда мамлакатимиздаги мавжуд 4,3 миллион гектар суғориладиган майдоннинг қарийб 2 миллион гектари (46,7 фоизи) турли даражада шўрланган. Кейинги йилларда амалга оширилган мелиорация ишлари натижасида кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 105 минг гектарга, ер ости сизот сувлари сатҳи 2 метргача бўлган майдонлар 117,6 минг гектарга камайтирилди. Бунда экологик мувозанатни сақлаб турувчи энг асосий воситалардан бири ҳудудларни ўрмонлаштиришдан иборат.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра, 2016 йилда мамлакатимизда 44 минг гектар, шу жумладан, Орол денгизининг қуриган тубида 17 минг гектарда чўл ўсимликларидан янги ўрмонзорлар барпо этилди, 395 гектар майдонда ниҳолхона ва кўчатхоналар ташкил қилинди. Бироқ кўчат экиш тадбирлари барча жойда ҳам талаб даражасида олиб борилган, дейиш қийин. Илгари бунда кампаниябозликка йўл қўйилган ҳоллар ҳам бўлди. Айрим жойларда кўчатлар ўша ҳудуд тупроқ-иқлим шароитига мосми-мос эмасми, бирдай экилган. Оқибатда экилган кўчатларнинг барчаси бирдай униб-ўсиб кетгани йўқ. Энди бундай хатоликларга йўл қўйиб бўлмайди. Ўрмончилик тизимини замонавий билим ва малакага эга кадрлар, замонавий техникалар билан таъминлаш борасидаги ишларни тубдан қайта кўриб чиқиш мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини ва экологик аҳволини янада барқарорлаштириш имконини беради. Чунки ўрмон фонди ерлари мамлакатимизнинг қарийб 20 фоиз майдонини ташкил қилади. Улардан самарали фойдаланиш Ватанимизнинг иқтисодий тараққиёти ва экологик барқарорлиги билан чамбарчас боғлиқ.

Кейинги пайтларда айрим фермер хўжаликлари ўз майдонлари атрофида "яшил ҳудуд" барпо этди. Бироқ бу ишлар чала қолди. Агар мамлакатимиздаги 4,3 миллион гектар суғориладиган майдонда дала иҳотазорлари барпо қилинса, бу билан 120 минг гектар дарахтзорлар пайдо бўлади. Натижада қишлоқ хўжалиги экинлари маҳсулдорлиги 15-20 фоизга ошади, намликни сақлаш ҳисобидан суғориш бир мартага камаяди ва йилига 2,4 миллиард кубометр сув тежалади, ҳудудларда экологик муҳит яхшиланиб, ландшафт тубдан ўзгаради.

Буларнинг барчаси фермерлар ва олимлар ҳамкорлигини янада изчил мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқ. Чунки Ўзбекистон олимлари ва фермерлари асосан давлат ва хориж грантлари доирасида ҳамкорлик қилмоқда. Ваҳоланки, бугун фермерларимиз – жамиятимизда етакчи куч, етарлича маблағ ва имкониятларга эга. Бироқ уларнинг барчаси ҳам олимлар билан ҳамкорлик қилиш ташаббуси билан чиқмаслиги таассуфлидир. Ҳолбуки, илмий-амалий тажрибадан, биринчи навбатда, фермер манфаат кўради. Балки бу борада қандайдир механизм ишлаб чиқилиб, фермерлар буюртмаси асосида илмий-тажрибавий ишларни кучайтириш керакдир.

Гапим қуруқ бўлмасин: 2007-2011 йилларда хориж гранти асосида мамлакатимизда ўсадиган олма, нок, анор, ўрик, узум, ёнғоқ, хандон писта ва бодомнинг маҳаллий навларини топиш, сақлаш ва кўпайтириш бўйича тадқиқотлар олиб бордик. Уларнинг 265 хил маҳаллий навлари топиб ўрганилди, 150 тури ишлаб чиқаришга тавсия қилинди. Мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудидаги 38 фермер хўжалигида булар амалиётда синаб кўрилди, уларни кўпайтириш ва парваришлаш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқилиб, тарқатилди, қарийб 600 фермернинг бу борадаги билим ва малакасини ошириш мақсадида жойларда семинарлар ўтказилди. Шунда қувалик бир фермер "шунча йил анор парваришлаб, унинг навлари бўлишини энди билдим, шу пайтгача дуч келган анорни экиб юраверган эканмиз", деди. Кўряпсизми, муаммонинг илдизи қаерда? Бугун фермерлар аграр йўналишдаги олий таълим муассасасини битирган бўлиши мумкин, амалиётда зўр мутахассисдир балки, бироқ у ҳар куни шиддат билан ўзгараётган илмий янгиликлардан ҳам хабардор бўлса, шу соҳанинг олимлари билан яқин ҳамкорлик қилса, ҳосилининг сифати ва салмоғи ҳам ошиб бораверади.

Шаҳарларимизни ҳамиша "яшил ҳудуд"лар ўраб туришини орзу қиламан. Чунки шаҳар аҳолиси, кўпинча, диққинафасликдан сиқилади, имкон бўлди, дегунча тоғ-даштга отланади. Ваҳоланки, шаҳарларимиз атрофидаги катта майдонларда "яшил ҳудуд"лар барпо қилиш қийин иш эмас. Бунда манзарали, санитар-гигиеник, эстетик хусусиятларга эга нина-япроқ баргли дарахт ва бута турларидан ҳар ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитларига мосларини экиш мумкин. Бу билан шаҳарларда экологик мувозанат таъминланади, иқлим мўътадиллашади, одамларнинг умри узаяди, иш потенциали ошади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев илм-фан намояндалари билан учрашувида "Агар ишлаб чиқариш ва илм-фан ҳамоҳанг бўлса, биз эллик йил кейинги ҳаётимизни тасаввур қилиб, бугун унга замин ҳозирласак, жуда катта натижага эришамиз", деб қатъий ишонч билан таъкидлади. Аслида ҳам амалиётсиз илм қуруқ назария бўлиб қолганидек, илмсиз амалиёт ҳам мақсадсиз ҳаракатдан бошқа нарса эмас. Бугун мамлакатимизда илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси изчил мустаҳкамланаётгани эртага жаҳон иқтисодиётида қандай вазият юз бермасин, эл-юртимиз ўз йўлидан оғишмай, юксак тараққиёт ва фаровонлик сари собитқадам илдамлашида бақувват асос бўлиб хизмат қилади.

**ЎзА мухбири**
**Умид ЁҚУБОВ**
**ёзиб олди.**

МУТАХАССИС ТАВСИЯЛАРИ

**Юртимизнинг тоғ ва тоғолди ҳудудларида ёнғоқ мевали боғларни барпо қилиш учун кўплаб табиий ерлар бор. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ, Паркент, Оҳангарон, Жиззах вилоятининг Зомин, Бахмал, Фориш, Ғаллаорол, Самарқанд вилоятининг Ургут, Каттақўрғон, Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод, Шаҳрисабз, Китоб, Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Денов туманлари ва бошқа тоғолди ҳудудларида эса табиий ёнғоқзорлар ва маданий боғлар мавжуд.**



# ЁНҒОҚ МИНГ ЙИЛ ДАРОМАД БЕРАДИ

## ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МУТАСАДДИ РАҲБАРЛАР БИЛАН ЎТКАЗГАН УЧРАШУВЛАРИ ҲАМДА АҲОЛИ БИЛАН МУЛОҚОТИДА ЁНҒОҚ МЕВАЛИ БОҒЛАРНИ КЎПАЙТИРИШ БОРАСИДАГИ ФИКРЛАРИ МОҲИЯТИДА АНА ШУНДАЙ ЭЗГУ НИЯТ МУЖАССАМДИР

Маълумки, мевали ўсимликлар ичида ёнғоқ, бодом каби мағизли меваларнинг халқ хўжалигида аҳамияти катта. Улар мағзининг мазаси жиҳатдан бошқа мевалардан устунлиги билан фарқ қилади ҳамда аҳоли томонидан севиб истеъмол қилинади. Қуйида ёнғоқзорлар яратиб, уларни парваришлаётган ҳамда бугун тадбиркорлигини шу жабҳада бошлашга қарор қилган боғбонларга ушбу мевали дарахтлар, уларнинг меваси хусусияти ҳамда парваришлаш агротехнологиялари хусусида маълумот ва тавсиялар берамиз.

**Ёнғоқ** дарахти катталиги, чиройлилиги, узоқ яшаши билан бошқа дарахтлардан фарқ қилади. Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятларида ёнғоқ кўпинча сувли ерда ўстирилади. Аммо у йилига ёғингарлик 600 мм.дан кам бўлмаган, денгиз сатҳидан 1800 метргача бўлган баландликларда ҳам ўсади. Айниқса, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани ёнғоқ етиштириш учун жуда қулайдир. Бу ерда ёнғоқ табиий ҳолда ва боғларда суғорилмасдан ҳам яхши ўсиб-ривожланади.

Ёнғоқ ёруғсевар ўсимлик бўлиб, ёлғиз ўзи ёки сийрак ўсганда яхши ривожланади.

Бир дона ёнғоқ меваси вазни навига қараб 2,5-18 граммни, мағзининг миқдори 25-70 фоиз, ёғ миқдори 54 фоиздан 78 фоизгачани ташкил қилади.

Уруғидан ўсиб чиққани 8-12 ёшда, пайванд қилинганлари 4-6 ёшида ва баъзи тезпишар (Идеал) навлар 2-3 ёшида ҳосилга киради. 50 ёшида тўла кучга кириб 400-500 йилгача ҳосил беради. Қулай шароитда бир туп ёнғоқ 150 кг.гача ва ундан ҳам кўп ҳосил бериши мумкин.

Ёнғоқ кўчатлари кузда ва эрта баҳорда экилади. Экиладиган майдони 50-60 см. чуқурликда плантаж сўқа билан ҳайдалиб, чизел қилинади ва текисланади. Кейин майдонда режа бўйича кўчати экилади.

Кўчатларини тоғ, тоғолди, лалми ерларда 10×8 м; 10×10 метр схемасида экилиш лозим. Кўчатларни экиш учун 60×60×60 сантиметр ҳажмда чуқурлар ковланади. Умуман, кўчатини кузда экиш яхши натижа беради.

Ёнғоқ суғорилмайдиган тупроққа яхши нам тўплаш ва машиналардан фойдаланиш имконини берадиган террасаларга ёки сув тўпланиб қолмайдиган, ҳажми 1×1,5 метрдан кам бўлмаган майдонларга ўтқазилади.

Илдизи нозик бўлади. Ҳатто бир ёшлигида ҳам жойдан-жойга кўчириб ўтказилганда, заифлашиб ўсади. Ниҳол кўчатзордан олиниб, қуёш яхши тушиб турадиган очиқ жойга ўтказилса, танасининг пастки қисмини офтоб уриши мумкин. Шунинг учун лалми ерларга кўчат ўтказиб ўтирмай, бир йўла ёнғоқнинг уруғидан етиштириш мумкин. Ўз жойида ўстирилган ўсимлик чуқур илдиз отиб, қурғоқчиликка чидамли бўлади.

Суғориладиган ерлардаги ёнғоқ дарахтларини парвариш қилиш, асосан, суғоришдан иборатдир. Ўсиш даврида ёнғоқ камида 6-7 марта суғорилади. Ҳар бир суғоришдан сўнг тупроқ юмшатилади ҳамда бегона ўтлардан тозаланади.

Ҳосилли ёнғоқзорларга йилига соф ҳолда 90-120 килограмм азот, 60-90 килограмм фосфор ўғитлари солинади ёки 3 йилда бир марта 30-40 тонна ҳисобида гўнг солинади. Фосфорли ўғитлар ҳамда гўнг кузда, азотли ўғитлар эрта баҳорда солинади.

**Бодом** меваси ўзининг мазаси жиҳатидан бошқа меваларга қараганда кўпгина афзалликларга эга. Бодом мевасига қандолат саноатининг эҳтиёжи катта. Бироқ бугунги кунда аҳоли ҳамда қандолат саноатининг талабини қондирадиган бодомзорлар етарли эмас. Ҳолбуки, юртимизда тоғ, тоғолди ҳудудларда бодом дарахтларидан кўплаб ҳосил етиштириш учун жуда катта имкониятлар мавжуд.

Бодом дарахтининг бўйи 6-10 метргача етади. Илдиз тизими яхши ривожланган бўлиб, 6 метр чуқурликкача боради, қурғоқчиликка ва совуққа чидамли. Ҳавони ёмон ўтказадиган нам тупроқли жойларда бодом яхши ўсмайди.

Тиним даври қисқа бўлганлиги сабабли бодом бошқа дарахтларга нисбатан анча илгари (март ёки апрель бошларида) гуллайди. Шунинг учун ҳарорати мўътадил бўлмаган ҳудудларда унинг ҳосилини кўпинча баҳорги совуқ уриб кетади.

Бодом кўчати экилгандан кейин 3-4 йили ҳосил бера бошлайди, 12-15 ёшга етганда ҳосили кўпаяди. 35-40 йилгача ҳосил беради. Бодом 60 йилдан 400 йилгача яшайди. Бир туп бодом дарахти ўртача ҳосили 8-12 килограммгача, айрим йиллари 25-30 килограммгача ҳосил беради. Совуққа анча чидамли бўлиб, тиним даврида –20-25 °С совуққа бардош беради.

**Бодом ўсимлигининг характерли хусусияти** жуда эрта гуллашидир. Шу сабабдан об-ҳавоси ўзгариб турадиган жойларда бодом гулларини кўпинча қора совуқлар уриб кетади. Бодомзорлар ташкил қилиш учун тоғ ва тоғолди ён бағирларидан ҳаво яхши алмашиб турадиган, совуқ ҳаво қамалиб қолмайдиган террасалар ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тошкент вилоятининг тоғли, тоғолди шароитида, жумладан, Бўстонлиқ туманида бодом денгиз сатҳидан 800-1300 метр баланд бўлган жойларда, жанубий вилоятларда 1700-2000 метр баландликкача жойлашган, йиллик ёғин миқдори 600 мм.дан кўп бўлган ҳудудларнинг барча ёнбағирларида суғорилмай ҳам ўсиши мумкин. Ёғингарчилик миқдори ўртача 400-500 мм. бўлган ҳудудларда бодомзорларга махсус агротехник ишлов бериш талаб қилинади.

Бодом учун энг яхши тупроқ таркиби оҳаги бўлмаган, сувни яхши ўтказадиган қумоқ ва бўз тупроқлар ҳисобланади. Унумсиз, қуруқ тупроқларда ҳам ўсиши мумкин, лекин бундай тупроқларда юқори агротехника усуллари қўллагандагина яхши ўсиб, мўл ҳосил беради. Шунинг учун ҳам бодом майдонларининг гектарига 20-30 тонна ҳисобида чириган гўнг солиш керак.

Бодом дарахтларининг ёруғликка талабчанлигини инобатга олиб, кўчатларни экиш учун 60х60 сантиметр ҳажмда чуқур ковланади. Суғориладиган ерларда кўчатлар 8х8 метр, тоғ ва тоғолди лалми ерларда 6х6 метр (жанубга қараган ёнбағирларида 5х5 метр) схемада, горизонтал террасаларда ҳажми 1,5-5 метр бўлган ерларга кузда ёки эрта баҳорда экилади. Кўчат экилгандан кейин илдиз бўғзининг 5-10 сантиметр юқорисидан тупроқ уйиб кўмилади, кейин иложи борича суғорилади. Кўчатлар куртак чиқара бошлаганда эса уюм текислаб ташланади.

Лалми ерларда ёғин сувларининг шимилишини таъминлаш ва тезда буғланиб кетишининг олдини олиш мақсадида, ер доимо юмшатилиб турилади. Кўчат атрофида сомон, похол ва бошқа ўсимлик қолдиқларидан мульча ҳосил қилинади.

Ёш боғларда вегетация даврида 6-8 марта суғорилади. Апрель, май, июнь ва сентябрь ойларида бир мартадан, июль-август ойларида эса 2-3 маротабадан суғорилади. Кўчатлар атрофи ҳар сувдан сўнг яхшилаб юмшатилади ва бегона ўтлардан тозаланади. Ёз ойларида сув тақчил бўладиган ҳудудларда қишда 1-2 марта яхоб суви бериш тавсия қилинади.

Тоғли-лалми ерларда кўчатларни парваришлашда уларни ўғитлашни ўз вақтида амалга оширишга эътибор бериш зарур. Экилган кўчатларни яхши тутиши ва ўсишини таъминлаш мақсадида, биринчи йили ҳар бир кўчатнинг атрофига 4-6 килограмм органик ўғит ва 60-80 грамм аммофос солиш яхши натижа беради.

Ўсиш даражаси суст ёш боғларга ҳосилга тўлиқ киргунча 1 $м^2$ га 6-8 граммдан соф азот, 3-4 граммдан соф фосфор ва 2-3 граммдан калий ҳамда 4-5 килограммдан органик ўғит солиш тавсия қилинади. Органик ва минерал ўғитлар биргаликда солинса, ўғит миқдори 1,5-2 баробар камайтирилади.

Мазкур агротехник тадбирларнинг вақтида ва сифатли бажарилиши ёнғоқ мевали дарахтлардан мўл ҳосил олинишини, пировардида эл дастурхони ана шундай маҳсулотлар билан тўкин бўлишини таъминлайди.

**Равшан АБДУЛЛАЕВ,**
**қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.**

ЭЪЛОН

**«SUVSANOATMASH» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИ РАИСИ, БОШҚАРУВ РАИСИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАМДА МАРКЕТИНГ, СОТИШ ВА СОТИБ ОЛИШ БЎЙИЧА ЎРИНБОСАРЛАРИ ЛАВОЗИМЛАРИ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Номзодлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак:

**1. Бошқарув раиси лавозими учун:**

**1.1.** Муҳандислик, муҳандис-технолог, иқтисод ёки молия бўйича бакалавр дипломига эга бўлиши, ўзбек ва рус тилларида эркин сўзлаша олиши лозим. Инглиз тилини билиши, магистрлик ёки бошқа илмий даражаларга эгалиги номзод учун танловда қўшимча балл олиш имкониятини беради;

**1.2.** Номзод охирги ўн йилликнинг камида беш йилида акциядорлик жамияти ёки йирик корхонада раҳбарлик лавозимларида фаолият юритган, давлат, ҳокимият бошқаруви органларида масъул лавозимларда ишлаган, ташкилотчи раҳбар амалий иш стажига эга бўлиши шарт.

**2. Бошқарув раисининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари лавозими учун:**

**2.1.** Муҳандислик, муҳандис-технологлик бўйича бакалавр дипломига эга бўлиши, ўзбек ва рус тилларида эркин сўзлаша олиши лозим. Инглиз ёки бошқа тилларни билиши, магистрлик ёки бошқа илмий даражаларга эгалиги номзод учун танловда қўшимча балл олиш имкониятини беради;

**2.2.** Номзод охирги беш йилликнинг камида уч йилида акциядорлик жамияти, катта ёки хусусий корхоналарда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш билан боғлиқ масъул лавозимларда, шунингдек, давлат, ҳокимият раҳбарлик органларида масъул лавозимларда ишлаган, ташкилотчи, амалий иш стажига эга бўлиши шарт;

**3. Бошқарув раисининг маркетинг, сотиш ва сотиб олиш бўйича ўринбосари лавозими учун:**

**3.1.** Маркетинг, иқтисодчи, молия бўйича олий маълумотга эга бўлиши, ўзбек ва рус тилларида эркин сўзлаша олиши лозим. Инглиз ёки бошқа тилларни билиши, магистрлик ёки бошқа илмий даражаларга эгалиги номзод учун танловда қўшимча балл олиш имкониятини беради;

**3.2.** Номзод охирги беш йилликнинг камида уч йилида акциядорлик жамияти, катта ёки хусусий корхоналарда маркетинг, саноат маҳсулотини сотиш билан боғлиқ бошқарув лавозимларида, шунингдек, давлат, ҳокимият раҳбарлик органларида масъул лавозимларда ишлаган, ташкилотчи, амалий иш стажига эга бўлиши керак;

Тошкент шаҳрида ёки Тошкент вилоятида доимий пропискада бўлган эркак ёки аёл номзодлар, шунингдек, чет эллик менежерлар танлов комиссиясига танловда қатнашиш учун тегишли ҳужжатларни 2017 йил 1 мартига қадар ариза билан тақдим қиладилар.

Танловга номзодлар вазирликлар, бирлашмалар, Тошкент шаҳридаги ташкилотлар раҳбарияти томонидан, акциядорлар ёки бошқа шахслар томонидан ҳам тавсия қилиниши мумкин.

Танлов комиссияси 2017 йил 15 мартига қадар номзодлар билан суҳбат ўтказади. Уларнинг ҳужжатларини ўрганиб чиқади ва танлов якуни бўйича жамият кузатув кенгашига ахборот тақдим қилади.

**"SUVSANOATMASH"**
**акциядорлик жамияти кузатув кенгаши.**

